



TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI



TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI



TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI



TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI



TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI

ISSN: 2992-9083

O'ZBEKISTON SUG'URTA BOZORI

VOL. 1 ISS: 12 (2024)

INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN СТРАХОВОЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА



TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI



TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS



© TDIU, Islom Karimov 49, 100066, Toshkent



<https://insurance.tsue.uz>

№	MUNDARIJA	
1.	ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИДА ВОСИТАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ Матиязова Санобар Ражаббайовна	1
2.	СУҒУРТА БОЗОРИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ Жакбаров Сардор	4
3.	ТАКОФУЛ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ Абдуллаев Равшан Вахидович, Дадабаев Умиджон Абдусамат ўғли	7
4.	ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА МАҲСУЛУТИНИ СОТИШ КАНАЛЛАРИНИНГ БУГУНГИ ХОЛАТИ Абдимўминова Саодат Тахиржонова	10
5.	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ СУҒУРТАЛАШДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАЛАБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ Нуруллаев Абдулазиз Сирожиддинович	13
6.	O'ZBEKISTONDA SPORT SOHASINI MOLIYALASHTIRISHNING TASHKILIY-IQTISODIY JIHATLARI M.N.Mamatov	16
7.	SUVEREN KREDIT REYTINGNING MAMLUKAT MOLIYASIGA TA'SIRI Tog'ayniyazov Shohzodbek Ural o'g'li	19
8.	VENCHUR FONDLARINI TASHKIL ETISH: JARAYON VA STRATEGIYALAR Talapova Nargiza Baxriddinovna	21
9.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ Имомов Хамдилла Хамдамович	24
10.	MILLIY IQTISODIYOTDA MAHALLIY BYUDJETLAR DAROMADLARINI SHAKLLANISHDA HUDUDLAR IQTISODIY VA INVESTITSION SALOHİYATININIG NAZARIY ASOSLARI Yusupov Ruslan	27
11.	LOGISTIKA VA TA'MINOT ZANJIRI JARAYONLARINI INTEGRATSIYALASH UCHUN MOLIYAVIY BOSHQARUV STRATEGIYALARI Maxmudov Samariddin Baxriddinovich	31
12.	MDH MINTAQASIDA TRANSPORT SOHASIDAGI HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA EOII TRANSPORT INTEGRATSIYASINING TASHQI OMILLARI VA XAVFLARI Xo'jayev Fazliddin Elmurodovich	35
13.	COMBATTING THE SHADOW ECONOMY AS AN IMPORTANT DIRECTION OF ECONOMIC POLICY FOR AN INCLUSIVE DEMOCRATIC SOCIETY (EXPERIENCE OF CENTRAL ASIAN COUNTRIES AS AN EXPAMPLE) Norbaev Tura, Abduraufov Jaloliddin	37
14.	EVROOSIYO IQTISODIY HAMJAMIYATI BILAN IQTISODIY HAMKORLIK MUNOSABATLARINI TASHKIL ETISH TAMOIYILLARI Hamdamova Nilufar Hamdullo qizi	42



ЎЗБЕКИСТОН СУГУРТА БОЗОРИДА ВОСИТАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ

Матиязова Санобар Ражаббайовна

Тошкент давлат иқтисодий университети доценти, (PhD)

email: matiyazova@gmail.com

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 12

DOI: https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss12/220

ABSTRACT

Мазкур мақолада сугурта муносабатларини амалга оширишда сугурта воситачиларининг ўрни ва аҳамияти, Ўзбекистон сугурта бозорида воситачилик фаолиятини амалга оширишнинг жорий ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ҳамда воситачилик фаолиятини эконометрик моделлаштириш усуллари орқали аниқлаш берилган.

сугурта бозори, сугурта воситачилари, сугурта брокерлари, сугурта агентлари, сугурта мукофоти, сугурта тўловлари, воситачилик ҳақи, сугурта компанияларининг молиявий таҳлили, прогнозлаш, эконометрик усул, ихтиёрӣ ва мажбурий сугурта турлари.

KEYWORDS

Кириш (Introduction/Введение)

Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий, табиий-иклим ва техноген хавф-хатарлар ортиб бораётган шароитда глобал миқёсда сугурта ҳимояси билан таъминлаш, сугурта хизматлари қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Allianz Global Insurance Report маълумотларига кўра, «2022 йилда жами глобал сугурта мукофотлари ҳажми 5,6 трлн. еврони ташкил этди. Юқори инфляцияга қарамасдан, келгуси ўн йил ичида сугурта мукофотлари ҳажми 5,2 фоизга ёки 4,2 млрд. еврога ортиши прогноз қилинмоқда». Глобал сугурта бозорида қузатилаётган умумий ижобий динамикага қарамасдан, юзага келаётган таҳдидлар соҳага инновацион сугурта технологияларини жорий этиш ва сугурта бозорининг муҳим сегменти бўлган сугурта воситачилари фаолиятининг барқарорлиги ва самардорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон сугурта бозори барқарор ўсиш суръатларини намоён этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сон қарорининг қабул қилиниши мамлакатда сугурта соҳасини янги босқичга кўтарилишига муносиб замин ҳозирлади. Мазкур қарорда «сугурта брокерлари фаолиятини фаоллаштириш, сугурта агентларининг ишлаш тизимини такомиллаштириш, банксугурта механизмларини жорий этиш, шунингдек, умуман сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг ролини ошириш орқали сугурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш» масаласини Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланганлиги сугурта воситачилари фаолиятини тараққий эттириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Бизнинг фикримизча, умуман сугурта бозорини, хусусан Ўзбекистон сугурта бозорини сугурта воситачиларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, сугурта фаолияти самардорлигини ошириш, сугурта сектори ривожланишининг асосий кўрсаткичларини яхшилланишида сугурта воситачилари муҳим ўрин тутмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Обзор литературы/Literature review).

Сугурта хизматлари ва сугурта воситачилари маҳаллий ва хорижий тадқиқотчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган ҳамда бугунги кунда маълум бир йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Сугуртада воситачилик фаолияти мазмунини тушуниш учун, шубҳасиз, сугуртанинг иқтисодий категория сифатидаги моҳиятидан келиб чиқиш керак. Қонунчилик ҳужжатларида, услубий, маълумотнома ва ўқув адабиётларида мавжуд бўлган сугурта таърифларидаги фарқларга қармай, сугуртанинг иқтисодий моҳияти бир маъноли кўринади. Фарқлар сугурта мазмунини қўшимча «рамкага солиш»да намоён бўлади, бу кўп қиррали амалиётнинг гоҳ ҳуқуқий, гоҳ ташкилий, гоҳида иккала томонини, кўпроқ эса сугурта моҳиятини муаллифлик талқинларини акс эттиради.

Молиявий-иқтисодий лугатда профессор Е.В. Коломин қуйидаги таърифни беради: «Сугурта – корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан махсус жамғарма ташкил этиш ва ундан мулкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш... ҳамда фуқароларга (ёки уларнинг оилаларига) ҳаётида турли ҳодисалар юз берганда сугурта қопламаларини тўлаш учун фойдаланишни ўз ичига оладиган иқтисодий муносабатлар тизими...».

Профессор В.В. Шахов «Сугурта» дарслигида таърифни қуйидагича шакллантирган: «Иқтисодий категория сифатида сугурта – бу иқтисодий муносабатлар тизимини ўзида акс эттириб, маблағларнинг мақсадли жамғармаларини шакллантириш ва турли хил қутилмаган нохуш ҳодисалар содир бўлган тақдирда улардан зарарни қоплаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳаётида муайян ҳодисалар юз берганда уларга ёрдам кўрсатиш учун фойдаланиш шакллари ва усуллари тўпламидир».

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы).

Тадқиқотни амалга ошириш давомида эксперт баҳолаш, умумлаштириш, таққослаш, тарихий ва мантқий ёндашув, танқидий таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, эконометрик моделлаштириш усулларида фойдаланилди.

Таҳлиллар (Analysis/Анализ).

Сугурта компаниялари молиявий таҳлили ва прогнозлаш бўйича жаҳон тажрибасида кенг қўллаб келинаётган методологияни тизимлаштириш имконини берувчи таҳлили натижалари сугурта

ташкilotлари томонидан ишончли молиявий ҳисоботларни тақдим этиш ва транспарентликни таъминлаш ҳамда уларнинг кўрсаткичларининг комплекс таҳлили ва прогнозлашнинг янги ёки такомиллаштирилган ёҳуд самарали методларини излаб топиш ва асосли қўллаш йўллариини таъминлаш бўйича фойдали бўлган назарий ва амалий хулосалар шакллантириш имконини беради.

Бу хулосалар миллий сугурта ташкilotлари молиявий ҳолатини

1-жадвал
Сугурта мукофотлари миқдори динамикаси³
(млрд. сўмда, 2022 йил баҳоларида)

Йиллар	Мажбурий сугурта	Абсолют қўшимча ўсши, минг киши		Ўсши ёки камайиш суръати, %		Қўшимча ўсши (камайиш)нинг абсолют қиймати, минг киши		1% қўшимча ўсши (камайиш)нинг абсолют қиймати, минг киши	
		Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул
A	1	2	3	4	5	6=4-100	7=5-100	8=3:7	9=1:100
2018	447,2	-	-	-	-	-	-	-	-
2019	451,3	4,1	4,1	100,9	100,9	0,9	0,9	4,472	4,513
2020	466,6	19,4	15,3	104,3	103,4	4,3	3,4	4,513	4,666
2021	571,6	124,4	105	127,8	122,5	27,8	22,5	4,666	5,716
2022	518	70,8	-53,6	115,8	90,6	15,8	-9,4	5,716	5,18

уларнинг кўрсаткичлари ёрдамида математик аппаратни осон қўлловчи комплекс таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг мукамал методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётда қўллаш бўйича илмий асосланган назарий тақлифлар ва амалий тавсиялар шакллантиришга ёрдам беради.

Мажбурий сугурта мукофотлари 2018 йилга нисбатан 2022 йилда 115,8 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. 2021 йилга нисбатан 2022 йилда мажбурий сугурта мукофотлари 9,4 фоизга камайиб, мутлақ миқдорда 53,6 млрд. сўмни ташкил қилган.

2-жадвал
Сугурта мукофотлари миқдори динамикаси⁴
(млрд. сўмда, 2022 йил баҳоларида)

Йиллар	Ихтиёрий сугурта	Абсолют қўшимча ўсши, минг киши		Ўсши ёки камайиш суръати, %		Қўшимча ўсши (камайиш)нинг абсолют қиймати, минг киши		1% қўшимча ўсши (камайиш)нинг абсолют қиймати, минг киши	
		Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул
A	1	2	3	4	5	6=4-100	7=5-100	8=3:7	9=1:100
2018	2328,1	-	-	-	-	-	-	-	-
2019	2882	553,9	553,9	123,8	123,8	23,8	23,8	23,3	28,8
2020	2395	66,9	-487	102,9	83,1	2,9	-16,9	23,3	24,0
2021	3677,3	1349,2	1282,3	158,0	153,5	58,0	53,5	23,3	36,8
2022	5713,7	3385,6	2036,4	245,4	155,4	145,4	55,4	23,3	57,1

Ихтиёрий сугурта мукофотлари 2018 йилга нисбатан 2022 йилда 245,4 фоизга ошиб, мутлақ миқдорда 3385,6 млрд.сўмни ташкил қилган. 2019 йилга нисбатан 2020 йилда ихтиёрий сугурта мукофотлари 16,9 фоизга камайиб, мутлақ миқдорда 487 млрд. сўмни ташкил қилган.

3-жадвал
Сугурта мукофотлари миқдори динамикаси⁵
(млрд. сўмда, 2022 йил баҳоларида)

Йиллар	Ихтиёрий ва мажбурий сугурта	Абсолют қўшимча ўсши, минг киши		Ўсши ёки камайиш суръати, %		Қўшимча ўсши (камайиш)нинг абсолют қиймати, минг киши		1% қўшимча ўсши (камайиш)нинг абсолют қиймати, минг киши	
		Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул
A	1	2	3	4	5	6=4-100	7=5-100	8=3:7	9=1:100
2018	2775,3	-	-	-	-	-	-	-	-
2019	3333,4	558,1	558,1	120,1	120,1	20,1	20,1	27,8	33,3
2020	2861,6	86,3	-471,8	103,1	85,8	3,1	-14,2	33,3	28,6
2021	4248,8	1473,5	1387,2	153,1	148,5	53,1	48,5	28,6	42,5
2022	6231,7	3456,4	1982,9	224,5	146,7	124,5	46,7	42,5	62,3

Мажбурий ва ихтиёрий сугурта мукофотлари 2018 йилга нисбатан 2022 йилда 224,5 фоизга ошиб, мутлақ миқдорда 33456,4 млрд.сўмни ташкил қилган. 2019 йилга нисбатан 2020 йилда мажбурий ва ихтиёрий сугурта мукофотлари 14,2 фоизга камайиб, мутлақ миқдорда 471,8 млрд. сўмни ташкил қилган.

4-жадвал
Сугурта тўловлари миқдори динамикаси⁶
(млрд. сўмда, 2022 йил баҳоларида)

Йиллар	мажбурий сугурта	Абсолют қўшимча ўсши, минг киши		Ўсши ёки камайиш суръати, %		Қўшимча ўсши (камайиш)нинг абсолют қиймати, минг киши		1% қўшимча ўсши (камайиш)нинг абсолют қиймати, минг киши	
		Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул
A	1	2	3	4	5	6=4-100	7=5-100	8=3:7	9=1:100
2018	121,4	-	-	-	-	-	-	-	-
2019	136,3	14,9	14,9	112,3	112,3	12,3	12,3	1,214	1,363
2020	172,8	51,4	36,5	142,3	126,8	42,3	26,8	1,363	1,728
2021	217,3	95,9	44,5	179,0	125,8	79,0	25,8	1,728	2,173
2022	24,2	-97,2	-193,1	19,9	11,1	-80,1	-88,9	2,173	0,242

Мажбурий сугурта тўловлари 2018 йилга нисбатан 2022 йилда 80,1 фоизга камайиб, мутлақ миқдорда 97,2 млрд.сўмни ташкил

қилган. Ўрганилаётган даврда 2022 йилда мажбурий сугурта тўловлари кескин камайиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

5-жадвал
Сугурта тўловлари миқдори динамикаси⁷
(млрд. сўмда, 2022 йил баҳоларида)

Йиллар	Ихтиёрий ва мажбурий сугурта	Абсолют қўшимча ўсши, минг киши		Ўсши ёки камайиш суръати, %		Қўшимча ўсши (камайиш)нинг абсолют қиймати, минг киши		1% қўшимча ўсши (камайиш)нинг абсолют қиймати, минг киши	
		Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул	Базисли усул	Занжирли усул
A	1	2	3	4	5	6=4-100	7=5-100	8=3:7	9=1:100
2018	782,1	-	-	-	-	-	-	-	-
2019	1171,9	389,8	389,8	149,8	149,8	49,8	49,8	7,8	11,7
2020	953,5	171,4	-218,4	121,9	81,4	21,9	-18,6	11,7	9,5
2021	1403	620,9	449,5	179,4	147,1	79,4	47,1	9,5	14,0
2022	2379	1596,9	976	304,2	169,6	204,2	69,6	14,0	23,8

Мажбурий ва ихтиёрий сугурта тўловлари 2018 йилга нисбатан 2022 йилда 304,2 фоизга ошиб, мутлақ миқдорда 1596,9 млрд.сўмни ташкил қилган. 2019 йилга нисбатан 2020 йилда мажбурий ва ихтиёрий сугурта мукофотлари 18,6 фоизга камайиб, мутлақ миқдорда 218,4 млрд. сўмни ташкил қилган.

Динамика қаторларини таҳлил қилишда пайдо бўладиган асосий масалалардан бири ўрганилаётган ҳодисадаги умумий қонуниятларни тўғри аниқлашдир. Кўпгина ҳолларда дастлабки динамика қатор маълумотларини ҳар хил жойлашганини (гоҳ юқори, гоҳ пастда), натижада ўрганилаётган ҳодисанинг умумий тенденциясини ноаниқлигини кўради. Бундай ҳолларда тегишли қонуниятни аниқлаш мақсадида хир хил усуллардан фойдаланиш тавсия этилади. Аналитек текислашда: қатор даражасидаги умумий тенденция ва унинг характери аниқланади. Қаторнинг характери қараб тўғри чизикли, парабола ёки гиперболо ва бошқа чизиклар танлаб олинади. Танлаб олинган математик тенгламадаги a_0 ва a_1 параметрлари кичик квадратлар $\sum (y - \bar{y}_t)^2 \Rightarrow (\bar{y}_t)$ қатор ҳисобланади.

Тўғри чизикли тенглама куйидаги формула билан ифодланади:

$$y_t = a_0 + a_1 t$$

Тенгламани a_0 ва a_1 параметрларини куйидаги нормал тенгламалар системасини ечиш орқали топилади:

$$\begin{cases} a_0 n + a_1 \sum t = \sum y \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 = \sum y t \end{cases}$$

Бу ерда: y – динамика қаторлари ҳақиқий даражаси;

n – даражалар сони.

Ҳисоблашни соддалаштириш учун ($\sum t = 0$) га тенглаштириб оламиз, у ҳолда юқоридаги тенглама куйидаги кўринишни олади:

$$\begin{cases} a_0 n = \sum y \\ a_1 \sum t^2 = \sum y t \end{cases}$$

У ҳолда

$$a_0 = \frac{\sum y}{n}, \quad a_1 = \frac{\sum y t}{\sum t^2}$$

a_0 ва a_1 параметрларни аниқлаш учун $\sum y$, $\sum y t^2$ ва $\sum t y$ ларни ҳисоблашимиз лозим. Куйида берилган маълумотлар асосида номаълум кўрсаткични ҳисоблаб чиқамиз. Ўзбекистоннинг сугурта воситачиларининг сонини аналитек текислаймиз.

Ҳисобланган параметрлар асосида динамика қаторларини текисланган тўғри чизикли тенгламасини тузамиз: $\bar{y}_t = 4,6 + t$

$$a_0 = \frac{\sum y}{n} = \frac{43306}{5} = 8661,2; \quad a_1 = \frac{\sum y t}{\sum t^2} = \frac{4651}{10} = 465,1$$

6-жадвал
Сугурта воситачиларининг сони динамикасини аналитек текислаш⁸

Йиллар	Сугурта брокерлари	t	t ²	t*y	Y _t
2018	3	-2	4	-6	3
2019	3	-1	1	-3	4
2020	5	0	0	0	5
2021	5	1	1	5	6
2022	7	2	4	14	7
Жами:	$\sum Y = 23$	$\sum t = 0$	$\sum t^2 = 10$	$\sum Yt = 10$	$\sum Yt^2 = 23$

a_0 ва a_1 параметрларни ҳисоблаймиз:

$$a_0 = \frac{\sum y}{n} = \frac{23}{5} = 4,6; \quad a_1 = \frac{\sum y t}{\sum t^2} = \frac{10}{10} = 1$$

Ҳисобланган параметрлар асосида динамика қаторларини текисланган тўғри чизикли тенгламасини тузамиз: $\bar{y}_t = 8661,2 + 465,1 \cdot t$

7-жадвал

Сугурта воситачиларининг сони динамикасини аналитек текислаш⁹

Йиллар	Сугурта агентлари	t	t ²	t ³	Y _t
2018	7570	-2	4	-15140	7731
2019	8100	-1	1	-8100	8196,1
2020	8900	0	0	0	8661,2
2021	9581	1	1	9581	9126,3
2022	9155	2	4	18310	9591,4
Жами:	$\sum Y = 43306$	$\sum t = 0$	$\sum t^2 = 10$	$\sum Yt = 4651$	$\sum Yt = 43306$

а₀ ва а₁ параметрларни ҳисоблаймиз:

$$a_0 = \frac{\sum Y}{n} = \frac{43306}{5} = 8661,2; \quad a_1 = \frac{\sum Yt}{\sum t^2} = \frac{4651}{10} = 465,1$$

Ҳисобланган параметрлар асосида динамика қаторларини текисланган тўғри чизикли тенгламасини тузамиз: $\bar{Y}_t = 8661,2 + 465,1 \cdot t$

8-жадвал

Сугурта воситачиларининг сони прогнози¹⁰, дона

Йиллар	Сугурта			Сугурта агентлари		
	Сони, дона	Ўзгариш суръати, %		Сони, дона	Ўзгариш суръати, %	
		Базисли усул	Завяирли усул		Базисли усул	Завяирли усул
2022*	7	100	-	9155	100	-
2023	8	114,3	114,3	10056	109,8	109,8
2024	9	128,6	112,5	10522	114,9	104,6
2025	10	142,9	111,1	10987	120,0	104,4
2026	11	157,1	110,0	11452	125,1	104,2
2027	12	171,4	109,1	11918	130,2	104,1

*Амалдаги кўрсаткич

Сугурта воситачилари сони 2022 йилда 7 тани ташкил қилган бўлса 2027 йилга бориб 12 тага етишини прогноз қилдик. Яъни, 2022 йилга нисбатан 2027 йилда 171,4 фоизга ошиши мумкин. Сугурта агентлари сони эса, 2022 йилда 9155 тани ташкил қилган бўлса, 2027 йилга бориб 11917 тага етишини прогноз қилдик. Яъни, 2022 йилга нисбатан 2027 йилда 130,2 фоизга ошишини прогноз қилдик.

9-жадвал

Сугурта мукофотлари миқдори прогнози¹¹, млрд.сўм (2022 йил баҳоларида)

Йиллар	Мажбурий сугурта			Ихтиёрий сугурта			Мажбурий ва ихтиёрий сугурта		
	Млрд. сўм	Ўзгариш суръати, %		Млрд. сўм	Ўзгариш суръати, %		Млрд. сўм	Ўзгариш суръати, %	
		Базисли усул	Завяирли усул		Базисли усул	Завяирли усул		Базисли усул	Завяирли усул
2022*	518	100	-	5713,7	100	-	6231,7	100	-
2023	569,5	109,9	109,9	5669,2	99,2	99,2	6238,6	109,2	100,1
2024	595,7	115,0	104,6	6425,8	112,5	113,3	7021,4	122,9	112,5
2025	621,9	120,1	104,4	7182,5	125,7	111,8	7804,3	136,6	111,2
2026	648,1	125,1	104,2	7939,1	138,9	110,5	8587,1	150,3	110,0
2027	674,3	130,2	104,0	8695,8	152,2	109,5	9369,9	164,0	109,1

*Амалдаги кўрсаткич

Мажбурий сугурта мукофотлари 2022 йилда 518 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса 2027 йилга бориб 674,3 млрд.сўмни етиши прогноз қилинди. Яъни, 2022 йилга нисбатан 2027 йилда 130,2 фоизга ошиши мумкин. Ихтиёрий сугурта мукофотлари 2022 йилда 5713,7 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2027 йилга бориб 8695,8 млрд.сўмга етишини прогноз қилдик. Яъни, 2022 йилга нисбатан 2027 йилда 152,2 фоизга ошишини прогноз қилдик. Жами сугурта мукофотлари эса, 2022 йилда 6231,7 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2027 йилда 9369,9 млрд.сўмга етишини прогноз қилдик. Яъни, 2022 йилга нисбатан 2027 йилда 164 фоизга ошиши прогноз қилинди.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-730-сон Қонуни. 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган. <https://lex.uz/docs/5739117>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори. <https://lex.uz/docs/4459802>.
3. Шеннаев Х.М. Сугурта агентлари учун қўлланма. Т.: “infoCOM.UZ” нашриёти, 2010. – 8-б.
4. Матиязова С.Р. “Ўзбекистонда сугурта воситачилигини такомиллаштириш”. Иқтисодий фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2023. – 62 б.
5. Реестр действующих лицензий на право осуществления страховой деятельности страховщиков и страховых брокеров на 01.02.2021г. https://www.mf.uz/media/file/insurance/license/01_02_2021/license2021_02_01.pdf.
6. “Gross Insurance” сугурта компанияси веб-сайтнинг бош саҳифаси (2023). www.gross.uz...

10-жадвал

Сугурта тўловлари миқдори прогнози¹², млрд.сўм (2022 йил баҳоларида)

Йиллар	Мажбурий сугурта			Ихтиёрий сугурта			Мажбурий ва ихтиёрий сугурта		
	Млрд. сўм	Ўзгариш суръати, %		Млрд. сўм	Ўзгариш суръати, %		Млрд. сўм	Ўзгариш суръати, %	
		Базисли усул	Завяирли усул		Базисли усул	Завяирли усул		Базисли усул	Завяирли усул
2022*	24,2	100	-	2354,8	100	-	2379	100	-
2023	100,4	414,9	414,9	2265	96,2	96,2	2365,4	100,5	99,4
2024	89	367,8	88,6	2618,8	111,2	115,6	2707,9	115,0	114,5
2025	77,7	321,1	87,3	2972,7	126,2	113,5	3050,4	129,5	112,6
2026	66,4	274,4	85,5	3326,5	141,3	111,9	3392,8	144,1	111,2
2027	55	227,3	82,8	3680,3	156,3	110,6	3735,3	158,6	110,1

*Амалдаги кўрсаткич

Мажбурий сугурта тўловлари миқдори 2022 йилда 24,2 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса 2027 йилга бориб 55 млрд.сўмга етиши прогноз қилинди. Яъни, 2022 йилга нисбатан 2027 йилда 227,3 фоизга ошиши мумкин. Ихтиёрий сугурта тўловлари 2022 йилда 2354,8 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2027 йилга бориб 3680,3 млрд.сўмга етишини прогноз қилдик. Яъни, 2022 йилга нисбатан 2027 йилда 156,3 фоизга ошишини прогноз қилдик. Жами сугурта тўловлари эса, 2022 йилда 2379 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2027 йилда 3735,3 млрд.сўмга етишини прогноз қилдик. Яъни, 2022 йилга нисбатан 2027 йилда 158,6 фоизга ошиши прогноз қилинди.

Хулоса (Conclusions/Заключения)

Бугунги кунда Ўзбекистон сугурта бозорида сугурта воситачилари муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»да янги таҳрирдаги Сугурта агентлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш, унда сугурта агентлари фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солишнинг замонавий методларини жорий қилишни; сугурталовчилар ва сугурта агентлари ўртасида самарали ҳамкорлик механизмларини жорий қилишни ҳамда сертификатланган сугурта маслаҳатчилари ва фирма сугурта агентлари институтларини ташкил қилишни инobatта олиш вазифасининг белгиланганлиги бежизга эмас.

Сугурта агентлари сонига нисбатан брокерлар сонининг катта рақам билан фарқ қилишининг асосий сабаби шундаки, биринчидан, сугурта брокерлари, фақат, юридик шахс сифатида ўз фаолиятини амалга ошириши, иккинчидан, сугурта брокерининг воситачилик фаолияти ваколатли давлат органи томонидан лицензияланади, учинчидан, сугурта бозорида ҳам доим ҳам брокерлар хизматига эҳтиёж бўлавермайди.

Юқоридагиларни умумлаштириб таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда сугурта воситачилари фаолиятини ривожлантириш учун етарли салоҳият мавжуд. Ушбу салоҳиятдан тўғри ва оқилона фойдаланиш мамлакатимиз сугурта бозорини тараккий этишида сугурта воситачиларининг ролинни ошириши, шубҳасиз.